

БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ИНСОНИЯТ КОММУНИКАЦИЯ, ЙЎЛ – АЛОҚА ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ

Бахриддин Лутфуллаевич Салимов

Сафарали Ёркин ўғли Мейлиев

Бунёд Баҳодирович Тешаев

Тошкент давлат транспорт университети

АННОТАЦИЯ

Мақолада қадимги «Буюк ипак йўли»нинг инсоният коммуникация, йўл – алоқа тизимининг ривожланиш тарихида ўз ўрни борлиги, инсоният тараққиётида ҳеч бир йўл, нуфуз, қўлам ва миқёс жиҳатидан «Буюк ипак йўли»чалик аҳамиятга эга бўлмаган. Бу йўл тарихида Шарқ билан Ғарбни боғлаган, Осиё ва Европани туташтирган биринчи ва ягона коммуникация алоқа йўли бўлганлиги таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Буюк ипак йўли, йўналишлар, савдо, алоқа, коммуникация.

КИРИШ

Қадимги йўллар ҳақида гап кетганда, кўпчиликнинг хаёлига биринчи навбатда, «Буюк ипак йўли» келиши, инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир. Бунда биз «Лаъл йўли», «Шоҳ йўли» ва «Яйловлар йўл»ларининг аҳамиятини пастга уриш ниятидан йироқмиз. Албатта, бу қадимий йўлларнинг инсоният коммуникация, йўл – алоқа тизимининг ривожланиш тарихида ўз ўрни бор. Буни эътироф этмаслик қип-қизил адолатсизликдан бошқа нарса эмас. Лекин, тан олиб айтишимиз керакки, инсоният тараққиётида ҳеч бир йўл, нуфуз, қўлам ва миқёс жиҳатидан «Буюк ипак йўли»чалик аҳамиятга эга бўлмаган. Бу йўл тарихида Шарқ билан Ғарбни боғлаган, Осиё ва Европани туташтирган биринчи ва ягона коммуникация алоқа йўли бўлган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Илмий – тарихий далилларга асосланган манбааларга мурожаат қиладиган бўлсак, «Буюк ипак йўли» тўғрисида қуйидаги қарашлар илгари сурилганлигини кузатишимиз мумкин: биринчиси, «Узунлиги 12000 км бўлган «Буюк ипак йўли» милoddан аввалги 2 асрда очилди. Бу йўл фақат савдо йўли эмас эди. У айна пайтда дунё халқлари ўртасида маданий ҳамда давлатлараро алоқалар йўли

сифатида ҳам хизмат қилди. Йўл Хитойнинг Хуанхе дарёси бўйида жойлашаган Сиан шаҳридан бошланиб, икки йўналишли бўлган. Биринчи йўналиш – Хитойдан Самарқандгача бўлган йўналиш эди. Самарқандда йўл яна иккига бўлинган. Бири, Эрон орқали Ўртаер денгизигача, иккинчиси Шимолий Кавказ орқали Қора денгизгача етиб борган.

Иккинчи йўналиш Хитойдан бошланиб, Помир – Тянь-Шан тоғ тизмаларидан ўтиб, Афғонистонга, ундан Ҳиндистонга олиб чиққан». Гувоҳи бўлганингиздек, ушбу таърифда «Буюк ипак йўли» ҳақида имкон қадар қисқа ва аниқ тушунча беришга ҳаракат қилинган ва қайсидир маънода буни уддасидан чиқилган. Таъкидланганидек, йўл Хитойдан бошланган. Мазкур йўл бутун Осиё қитъасини қамраб олган ҳолда жанубда Ҳинд океани, форс кўрфази ҳамда ғарбда Ўрта ер денгизи ва Қора денгиз қирғоқларигача борган. Лекин, бу дегани «Буюк ипак йўли» ана шу денгиз соҳилларида тугаган деган маънони англамаслиги керак. Зотан, йўлнинг бундан буёғидаги қисми кемалар воситасида сувда давом этиб, денгизнинг бошқа қирғоқларига ҳам етиб борган. Сувнинг у томонлари Европа ва Африка соҳиллари ҳисобланган. Айтиш мумкинки, «Буюк ипак йўли» кичик-кичик тармоқлари ушбу қитъаларнинг ички йўналишларида давом этган. Демак, «Буюк ипак йўли» ер юзининг қадимий ва асосий цивилизациялар макони саналган уч қитъаси: Осиё, Европа ва Африкани боғлаган илк ва ўз даврида ягона бўлган қитъалараро йўл ҳисобланади. Ушбу қарвон йўли 17 аср ёки 1700 йил мобайнида ўз аҳамиятини йўқотмасдан инсониятга хизмат қилиб келган.

«Буюк ипак йўли»нинг йўналишлари борасида Академик А.Асқаров илмий хулосаларида анча кенгроқ баён этилган: «Буюк ипак йўли» Хитойнинг қадимги маркази Сиандан бошланиб, бошқа Хитой шаҳарлари Ланчжоу орқали Дунхуанга келган. Ушбу шаҳарда йўл иккига ажралади. «Буюк ипак йўли»нинг жанубий-ғарбий тармоғи Хитойдаги Такламакон саҳроси орқали Хотанга, ундан Ёрқентга келиб, Помир тоғининг даралари орқали Ваҳонга, ундан Бақтриянинг бош шаҳри Зарияспга (Балх) келган. Балхда йўл яна уч тармоққа ажралади, ғарбий тармоғи Марвга, жанубий тармоғи Ҳиндистонга, шимолий тармоғи Термиз орқали Дарбанд, Наутак, Самарқандга қараб кетади.

«Буюк ипак йўли» шимолий-ғарбий тармоғи эса Дунхуандан Бами, Кучи, Турфан орқали Тарим воҳасига – Қашғарга боради. У ердан Тошқўрғон орқали Ўзган, Ўш, Қува, Ахсикент, Попга, ундан Ашт дашти орқали Хўжанд, Зомин, Жиззахга, сўнгра Самарқандда Наутак йўли билан бирлашади. Йўл Самарқанддан ғарбга – Добуссияга, Малик чўл орқали Бухоро ва Ромитанга, ундан Варахша орқали

Бойкент ва Форобга бориб, Амул шаҳрига ўтади. Амулда Марвдан Урганч томон Аму бўйлаб кетаётган йўлга қўшилган. Марв шаҳрига етиб келгач, йўл икки йўналишда давоб этган. Марвдан ғарбга томон йўналган «Буюк ипак йўли» Табриз ва Парфия давлатининг Ниса шаҳри орқали Эроннинг Гекотомил, Апалия ва Экбатана (Ҳамадон) шаҳарларига ва улардан ўтиб Месопотамиянинг Ктесафон ва Бағдод шаҳарларига тарқалган. Ундан Дажла, Фрот дарёсининг ўнг соҳили бўйлаб шимол томон йўналиб, Антиохия (Антокия) орқали Дамашққа, Тир ва Қуддус шаҳарлари орқали Мисрга етиб борган. Марвдан чиққан шимолий йўл эса Амул орқали Урганчга, ундан шимолий Каспий бўйлаб Шимолий Кавказга, сўнгра Қора денгизнинг шимолидан Константинополга бориб, Босфор ва Дарданелл орқали Ўрта ер денгизига ўтиб Византия шаҳарларига оралаган. Ундан кейин Европанинг бошқа ҳудудларига ҳам тарқалганига шубҳа йўқ.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турганидек, «Буюк ипак йўли»нинг тармоқлари ва йўналишлари ўзининг муқобил вариантларига эга бўлган экан. Мазкур хусусият ҳам «Буюк ипак йўли»нинг асрлар давомида фаолият кўрсатишида муҳим омиллардан бири бўлган. Негаки, биронта йўналишда муайян сабабларга кўра йўл хавфли бўлиб қоладиган ёки ёпиладиган бўлса, қатнов бошқа йўналишларда давом эттираверилган. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, аввалроқ таъкидлаганимиздек, Дунхуан шаҳридан «Буюк ипак йўли» йўли икки тармоққа бўлиниб давом этган. Бу қадимий Хитой ёзма манбааларида ҳам қайд этиб ўтилган. Хусусан, Шимолий йўл – «Бэйдао» ва Жанубий йўл – «Нандао» деб аталган. Тарихий воқеликларга кўра Шимолий йўл ўтган ҳудудлар бир неча юз йиллар давомида хунлар назоратида бўлганлиги сабабли «Буюк ипак йўли»даги асосий алоқалар Жанубий йўл орқали амалга оширилган. Карвонбошилар ва савдогарлар кўпроқ шу йўлдан юришни лозим топишган. Чунки улар учун карвонларини ва молларини манзилга бешикаст етказиш масаласи биринчи ўринда турган. Хавфли йўлдан юриб ўз жонини ва молини гаровга қўйгандан кўра хавфсиз йўлдан юриш қулай бўлган. Албатта, бу ўринда уларда танлов имкониятининг бўлганлиги уларнинг омади бўлган. Бу жараёнларнинг ҳаммаси, «Буюк ипак йўли» таркибига кирувчи йўллар орасида ички рақобат мавжуд бўлганлигидан дарак беради. Рақобат бор жойда эса ривожланиш, тарақиёт бўлиши барчамизга маълум.

Биз юқоридаги мулоҳазаларимизда «Буюк ипак йўли»нинг Европа ҳудудларида ҳам давом этганини айтиб ўтдик. Бизнинг бу хулосамизни Хитойни ўзида олиб борилган илмий тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Ана шундай манбааларда қайд

этилишича, «Ипак йўли... Ўрта денгизнинг шарқий соҳиллари орқали Римга етиб борган». Албатта, бу йўлдан турли-туман товарлар, хом-ашёлар олиб ўтилган. Лекин, «Буюк ипак йўли»дан шарқдан ғарбга томон ташилган асосий маҳсулот ипак матолар бўлган. Шу ўринда савол туғилади, хўш бу ипак матолари қаерда ишлаб чиқарилган? Хитойлик тарихчилар – бу ипак матолари ва ипак маҳсулотлари Хитойда ишлаб чиқарилган, чунки пиллачилик биринчи бўлиб Хитойда пайдо бўлган, бошқа жойларга ҳам Хитойдан тарқалган деб таъкидлашади. Эътироф этиш керак, пиллачилик-ипакчилик Хитойдан қадим замонлардан ривожланиб келган. Хитой ҳудудидан топилган манзилгоҳлардаги тарихий ашёвий далиллар буни тасдиқлайди. Нафақат, қадимий даврларда, балки ҳозирги кунда ҳам Хитой давлати ипак ишлаб чиқариш ва ипак маҳсулотларинин экспорт қилишда биринчи ўринда бормоқда. Хитойда ва Марказий Осиёда ишлаб чиқарилган ипак матолари ва ипак маҳсулотларига талаб Европа давлатларида жуда юқори бўлган. Европада, хусусан, Рим империясида шундай даврлар бўлганки, ипак матолардан кийим кийиш урф бўлган. Натижада аҳолининг ипак матоларига бўлган эҳтиёжи жуда ошиб кетган. Аҳоли ипак матоларини сотиб олиш учун кўлидаги бор маблағини сарфлай бошлаган. Бу ҳолатдан савдогарлар унумли фойдаланганлар ва Рим империясига кўплаб ипак матоларини олиб кира бошлаганлар. Римлик олим Г.Плиний ўзининг «Табиат тарихи» асарида ёзишича ипак матоларга талаб юқори бўлгани учун ҳар йили Римдан Хитойга қараб 3,5 миллион танга чиқиб кетган. Мазкур вазият Римда тилла тангаларнинг танқислигини келтириб чиқарган. Оқибатда Рим ҳукумати ипак матоларни олиб кирилишини чеклаш бўйича махсус қарор қабул қилган. Ушбу тарихий воқеликлар, Хитойдан бошланган «Буюк ипак йўли»нинг Европа ҳудудларини ҳам қамраб олганлигини яна бир бор исбот этади. Ва охир – оқибатда давлатлараро ижтимоий муносабатларни ўрнатилишига хизмат қилган. Чунончи, халқаро йўлларнинг давлатлар иқтисодини ўсишида ва халқлар фаровонлигини таъминланишидаги ўрни катта бўлган. Айниқса, йўл бўйидаги аҳоли манзилгоҳлари бундан жуда манфаатдор бўлган. Хусусан, «Буюк ипак йўли» бўйидаги Сиан, Ланчжоу, Дуньхуан, Қашқар, Ёркент, Урумчи, Балх, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Марв, Техрон, Ктесefon, Бағдод ва яна бошқа кўплаб шаҳарлар ўз даврида гўллаб-яшнаган.

ХУЛОСА

Ҳар нарсани боши бўлганидек, охири ҳам бор. Жумладан, 16-17 асрларга келиб «Буюк ипак йўли»нинг



аҳамияти анча тушиб кетди. Хитойнинг «Буюк ипак йўли» доирасида Туркистон билан ва Осиё ҳамда Европа мамлакатлари орасидаги савдо алоқалари анча қисқариб кетди. «Буюк ипак йўли»да юрвчи карвонлар аввалгига қараганда анча сийраклашиб қолди. Йўл бўйидаги бир вақтлар гавжум бўлган манзилгоҳлар, карвонсаройлар ва бозорлар хувиллаб қолди. «Буюк ипак йўли»нинг бу ҳолатга тушиб қолишида қуйидаги омиллар сабаб бўлган эди:

- биринчидан, Хитойнинг ўзида ва «Буюк ипак йўли»даги мамлакатларда сиёсий вазиятни беқарорлашуви;

- иккинчидан, кemasозликни ривожланиши асносида денгиз йўлларига кашф этила бошланиши. Ички ва халқаро денгиз йўлларига асос солиниши.

REFERENCES

1. Бахриддин Лутфуллаевич Салимов (2022) ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА КОММУНИКАЦИЯ ВА ТРАНСПОРТ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 403-407.
2. Salimov B.L. The philosophical role of dialectical categories in human life. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 1, Issue 6, 2021. -P.406-410.
3. Бахриддин Лутфуллаевич Салимов (2022) ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА КОММУНИКАЦИЯ ВА ТРАНСПОРТ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 403-407
4. Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси (DSc). Тошкент. Ўзбекистон Миллий Университети. 2022. 224 б.
5. Салимов Бахриддин Лутфуллаевич ,Ҳасанов Миршод Нўъмонович. ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 2, Issue 4, 2022. -P.1345-1354.
6. Салимов Б.Л. Случайность связана с существующими условиями или является результатом их взаимоотношений // International Conference on Social and Humanitarian Research. – Poland. 2021. – P.175-177.